

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 28-noyabr, shanba 64 (9101)-son

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ДОРИВОР ҲУСУЛЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ, УЛАРНИНГ УРУҒЧИЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республика ҳудудларида доривор ҳусулларни етиштириш ва қайта ишлашга доир илмий тадқиқотларнинг ягона базасини яратиш, хорижий давлатларнинг илгор илмий ишланмаларини ўрганиб бориш, етакчи илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда замонавий технологиялар, илмий ишланмаларни республикага жорий этиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни кучайтириш мақсадида:

1. Ҳўмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академиясининг **"Шифобахш"** доривор ҳўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази негизда Ҳўмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ҳузурда давлат муассасаси шаклидаги **Доривор ҳўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази** (кейинги ўринларда – Марказ)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

доривор ҳўсимликларни илмий асосда етиштириш ва қайта ишлаш, улардан оқилона фойдаланишни ягона стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш;

республика ҳудудидаги ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ҳўсимликлар ареалларини ўрганиш ва захираларини аниқлаш, мавжуд биоресурслар генофондини сақлаш, оналик плантацияларини ташкил этиш;

уруғлик материалларини етиштириш ва тайёрлаш, кўпайтириш, коллекцион кўчатхоналар ташкил этиш ҳамда уларнинг хомашёларини қайта ишлаш билан боғлиқ илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш;

доривор ҳўсимликларни муайян тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда маданий ҳолда етиштиришни йўлга қўйиш бўйича аниқ илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, маданий ҳолда етиштириладиган доривор ҳўсимликларнинг агротехнологик хариталарини Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Ҳўмон ҳўжалиги давлат қўмитаси буюртмасига кўра ишлаб чиқиш;

доривор ҳўсимликлар кимёвий таркибини ўрганиш, маҳсулотини стандартлаш ва сертификатлаш;

доривор ҳўсимликларга бўлган ички ва ташқи бозорлар талабини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

доривор ҳўсимликлар етиштирувчи ва қайта ишловчи фермер ҳўжаликлари, ташкилотлар ва бошқа субъектлар раҳбарлари ва мутахассисларнинг малакасини ошириб боришга йўналтирилган дастурларни тайёрлаш ва ўқитиш тизимини ташкил этиш.

(Давоми 2-саҳифада)

ИШЧИ ГУРУҲ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бекзод Мусаев бошчилигидаги Ишчи гуруҳи Наманган вилоятидаги таълим ва маданият муассасалари фаолиятини ўрганди.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги **"Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармони ҳамда **"Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори таълим ва илм-фан тизимида янги тараққиёт даврини бошлаб берди.

Мазкур муҳим ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш билан боғлиқ масалалар жойларда кенг муҳожама қилинмоқда.

Поп туманида бўлиб ўтган учрашувда ҳам вилоятда таълим соҳасини янги сифат босқичига олиб чиқишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинди. Республика Бош вазирининг ўринбосари Бекзод Мусаев давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳақларни рўёбга чиқаришда ҳар бир педагог зиммасига юкланган муҳим вазифалар ҳақида сўз юритди. Наманганда умумтаълим мактабларининг олий таълим ва маданият муассасалари билан ҳамкорлиги масалаларига тўхталиб.

Маълумки, шу йил 30 октябрь кунини Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида олий ўқув yurtлари ректорлари зиммасига мактабларга бориб, уларнинг муаммолари билан шуғулланиш борасида аниқ топшириқлар юклатилган эди.

Учрашувда таълим сифати паст, олий таълимга кириш кўрсаткичлари ва педагогларнинг билими талабга жавоб бермайдиган мактабларни биргаликда кўтариш бу зату ташаббуснинг бош мақсади экани таъкидланди. Вилоятда мактаб таълими

соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳанузгача ечимини кутатган муаммолар кўплигига эътибор қаратилди.

Рақамларга таянган бўлсак, 2020 йилда олий таълим муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичи жами битирувчига нисбатан 17,6 фоизни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 7,2 фоизга ошган. Натижада Наманган вилояти республикада 8-ўриндан 4-ўринга кўтарилган.

Лекин, бу кўрсаткич вилоят бўйича таҳлил қилинганда, айрим жойларда аҳоли яхши эмаслиги кўринади. Масалан, Наманган шаҳрида жорий йилда мактабларни таъмирлаган 8 минг 813 ўқувчидан атиги 994 нафари олийгоҳларга қабул қилинган ҳолос. Бу 11,3 фоизни ташкил этиб, вилоятда энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Республика Ишчи гуруҳи олий таълим муассасаларига кириш натижаларини таҳлил қилиш мақсадида Наманган шаҳридаги 48- ва 10-сонли умумтаълим мактаблари фаолиятини ўрганди. 48-мактабни тугатган 130 ўқувчидан 53 нафари университет ва институтларга қабул қилинган. Ажабланишли, шулардан 27 нафари битта олийгоҳга – қўшни Қирғиз Республикасидаги университетга ёлпасига ҳужжат топширган.

10-мактабда эса ҳолат тамомилан бошқача. Ўқув даргоҳини 82 нафар ўқувчи тугатган бўлсада, таассуфки, бирор бир битирувчи олий таълим даргоҳларига ўқишга кира олмаган. Шу ўринда, ҳақли саволлар туғилади: Ҳўш, мазкур мактаб ўқувчиларида олий таълимга қизиқиш йўқми? Мактабда таълим сифати пастми? Ачинарлиси шундаки, 82 битирувчининг деярли 50 нафари олийгоҳларга ҳужжат топширган бўлсада, улардан 12 нафари тест синоваларида иштирок этган ҳолос. Айни шу жиддий камчиликларни инобатга олиб натижалари ўртача кўрсаткичдан паст бўлган 15 та умумтаълим мактаблари вилоятдаги олий таълим муассасаларига бириктирилди.

Ишчи гуруҳи Тўрақўрғон туманидаги маданият маркази фаолияти билан танишди. Таълим ва маданият муассасалари ҳамкорлиги масалалари атрофида муҳожама қилинди. 15 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилган муҳташам марказ биноси ҳозирда ҳувиллаб қолган. Мавжуд тўрақлар фаолияти суст. Ўқувчиларни, уюшмаган ёшларни маданият ва санъатга қизиқтириш бўйича етарли тарғибот ишлари олиб борилмаган. Бир сўз билан айтганда, марказ фаолияти бугунги кун талаби даражасида эмас.

Бу борада Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан амалга оширилган амалий сарф-ҳаракатларни вилоятнинг ҳар бир туманида амалга ошириш кераклиги айтиб ўтилди. Президентимизнинг 2020 йил июнь ойида вилоятга ташрифи чоғида илгари сурилган ташаббус ижросини таъминлаш

мақсадида ҳафтанинг ҳар якшанба кунини "мақом кечаси" ўтказилмоқда. Ишчи гуруҳи томонидан бундай мақом кечаларини туманлараро танлов тарихида ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда видеоалоқа орқали шаҳар-туман студиялари ҳам уланди. Унда Республика Ишчи гуруҳи томонидан таълим ва маданият муассасаларидаги мавжуд ҳолат, тизимда аниқланган муаммо ва камчиликлар атрофида муҳожама этилди.

Наманган Давлат университети ректори Собитхон Турғунов, Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректори Шарифбой Эргашев, Наманган муҳандислик-технология институти ректори Одиложон Маматқаримов ўзларига бириктирилган умумтаълим мактабларида Президентимиз томонидан белгиланган вазифа ва топшириқлар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Ректорлар томонидан мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчиларни олий таълим муассасаларига қизиқтириш ва касб-ҳунарга йўналтириш, ота-оналар билан бу борада етарли даражада иш ташкил этишга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Мактаб ўқувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичлари ўта паст бўлган Наманган шаҳри, Наманган ва Янгиқўрғон туманлари ҳокимлари Олим Исоев, Садриддин Мўминов, Асадулло Нажмиддиновлардан келгусида бу борада аҳолини яхшилашга масъулият билан ёндашиш лозимлиги сўралди.

Шунингдек, йиғилишда Косонсой, Мингбулоқ, Уйчи, Янгиқўрғон ва Норин туманларига ахборот-кутубхона марказлари ҳалигача ташкил этилмаганлиги таъкид қилиниб, тегишли туманлар ҳокимликларига бу борада тезроқ чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Оқилхон ДАДАБЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Андижон вилояти

Пешқадам фермер

Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани нафақат ўзининг уста хунармандлари, балки миришкор фермерлари билан ҳам машҳур. Ана шундай миришкор деҳқон фермерлардан бири шу тумандаги **"Рўшонахон улкан хирмони"** фермер ҳўжалиги раҳбари Аслиддин Абдуолимов бўлади.

Бугун у раҳбарлигидаги фермер ҳўжалиги туманининг "Туркистон" массивида жойлашган илгор ҳўжаликлардан. Фермер ҳўжалигининг умумий экин майдони 51,3 гектар бўлиб, шундан 35,3 гектари ғалла учун ажратилган. Айни пайтда фермернинг дала ишлари кундалигидан бугдой майсаларини парваришлаш асосий ўринда. Шу боис ҳўжаликда барчанинг эътибори бугдой парваришида бўлиб, ғалла майдони атрофини четан билан ўраш, ўра қазиб, маҳаллий ўғит жамғариш ишлари ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Чунки, фермер бугунги саъй-ҳаракатларининг эртага ижобий самарасини кўрсатишига ишонади. Бунинг боиси ҳудди шундай астойдил ҳаракат ва меҳнат билан жорий йилги пахта йиғим-терим мавсуми жуда омадли келди. Фермер ҳўжалиги давлатга пахта хомашёсини топшириш бўйича шартномавий режасини туманда биринчилардан

бўлиб 103 фоизга адо этди. Бугун ғалладан ҳам ана шундай натижани кўзлаган фермернинг шашти баланд.

– Пахта йиғим-терим мавсумида эришилган натижамиз бизни янги марралар сари руҳлантириб юборди, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Аслиддин Абдуолимов. – Бу ютуқларида ҳўжалигимиз аъзоларидан Муножатхон Абдуллаева, Гулҳумор Тўхташова, Салимаҳон Мўминова, Санобархон Йўлдашевларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Дарҳақиқат, Аслиддин Абдуолимовга фермер ҳўжалигидаги ишларига омад тиларканмиз, бу фермер нафақат пахта йиғим-терим мавсумининг, балки келгусида қишлоқ ҳўжалиги барча мавсумнинг пешқадим фермери бўлиб қолишига умид қилдик.

Илҳомжон ТОҶИБОЕВ

Навоий вилояти



Сессияда қандай масалалар муҳожама этилди?

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Кенгаш раиси – Навоий шаҳар ҳокими М.Базаров бошқариб борди.

Сессия ишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги **"Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонининг Навоий шаҳрида ижроси ҳамда Навоий шаҳрида 2020/2021 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаби битирувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга кириши ва бандлигининг таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги масалалар юзасидан Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари У.Муродуллаевнинг ахбороти тингланди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг **"Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш тизими устидан парламент назоратини ташкил этиш тўғрисида"**ги 2020 йил 30 октябрдаги 528-IV/ҚҚ-145-IV-сонли қўшма қарорининг Навоий шаҳрида ижроси юзасидан Навоий шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Элмуратовнинг ҳисоботи депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Қайд этиш кераки, бугунги кунда Навоий шаҳрида жами 3 889 та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган бўлиб, уларнинг 687 таси саноат, 423 таси қурилиш, 251 таси қишлоқ ҳўжалиги, 1 371 таси савдо, 664 таси турли хизмат кўрсатиш йўналишидаги корхоналар ҳиссасига тўри келади.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Навоий шаҳрида 637 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Уларнинг 96 таси саноат, 51 таси қурилиш, 284 таси савдо, 24 таси ташкил ва сақлаш, 52 таси яшаш ва овқатланиш, 19 таси ахборот ва алоқа, 14 таси соғлиқни сақлаш, 31 таси қишлоқ ҳўжалиги ҳамда 66 таси бошқа йўналишларда фаолиятини бошлади.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона вилояти

"Қўқон" ЭИЗда 24 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди

Фарғона вилоятида пандемия даврида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаши йўлида барча тадбирлар қўрилиб, тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, "Қўқон" эркин иқтисодий зонасини хорижий инвесторлар ва тадбиркорларни ўзига жалб этувчи марказга айлантириш, кўзда тутилган лойиҳаларни ўз муддатида ишга тушириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ҳозирга қадар маъмурий кенгаш томонидан 86 та инвестицион лойиҳалар маъқулланган бўлиб, уни амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Ўтган даврда ишга туширилган 43 та лойиҳалар натижасида 1 триллион 340 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 24 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспортга йўналтирилди. Муҳим жиҳати, мазкур амалга оширилган лойиҳалар натижасида қарийб уч мингта яқин аҳоли

иш билан таъминланди.

Шу кунларда эркин иқтисодий ҳудудда янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Бу ердаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг асосий фаолияти кенг қўламдаги юқори технологияли, экспортбон, замонавий, иш унумдорлиги юқори чет эл ускуналари ва техникаларини, янги линия ва модульларни, инновацион лойиҳаларни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Ҳудудда фаолият юритаётган корхоналар ҳамда уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури тобора ошиб, илгари четдан келтирилган маҳсулотлар ўзимизда тайёрланиши ўзлаштирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Доривор ўсимликларни етиштириш ва илмий-ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ, УЛАРНИНГ УРУҒЧИЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

3. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги Марказнинг ўрмон фонди ерларида намунавий плантациялар, лабораториялар барпо этиш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш мақсадида хусусий секторни жалб этган ҳолда **доривор ўсимликларни етиштириш ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

доривор ўсимликларни етиштириш, илмий-ишлаб чиқариш кластерлари фаолияти банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

доривор ўсимликларни кластер ва кооперация усулида етиштириш бўйича халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган аниқ лойиҳалар Марказ томонидан тижорат банкларига тақдим этилади.

4. Белгилансинки: Марказга ташқи ва ички бозор талаблари ҳамда маркетинг натижаларидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнга қадар **доривор ўсимликлар экинларини жойлаштириш бўйича** Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига **таклифлар киритиш ҳуқуқи берилди;**

доривор ўсимликларни тўплаш (ғамлаш), уларни олиб кириш ва ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар берганлик, аризаларни кўриб чиққанлик учун ундирилиб, маҳаллий бюджетга йўналтириладиган тўловларнинг **20 фоизи** Марказ томонидан табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун йўналтирилади;

Марказ амалга оширилган чора-тадбирлар, эришилган ютуқлар, амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифларни **ҳар чора-тадбир тааллуқлилигига қараб** Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этиб боради.

5. Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказига **1-иловага** мувофиқ рўйхатдаги муассасалар услубий ва амалий ёрдам бериш учун бириктирилади.

Бунда, ҳар бир муассаса табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларини сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик майдонлари ва кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган таклифлар ва ишланмалар ишлаб чиқиш учун мутахассисларни бириктиради.

6. Марказ Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахманов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан биргаликда: илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилган доривор ўсимликларга доир илмий тадқиқотлар, янги инновацион ишланмалар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тизимли равишда янгилаб борилишини таъминласин; тиббиётда ва халқ табиобатида фаол қўлланиладиган доривор ўсимликлар коллекцияси участкаси ва генбанкни ташкил этсин;

Марказ ҳузурида доривор ўсимликлар хомашёси ва улардан олинган маҳсулотларни сертифицирлаш ва стандартлаштириш лабораториясини ташкил этсин. Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Марказнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосан Жаҳон банкнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб этилган кредит маблағларидан мазкур лабораторияни ташкил этишга йўналтириш чораларини кўрсин.

7. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев): доривор ўсимликлар соҳаси бўйича ривожланган давлатларга мутахассисларни ўқитиш учун хорижий стажировкалар ташкил этиш;

доривор ўсимликларни етиштириш ва улардан дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш учун халқаро молия институтларининг грантларини жалб этиш; Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев) билан биргаликда доривор ва зирвор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш масалаларига бағишланган халқаро ва республика бўйича конференция ҳамда симпозиумларнинг доимий равишда ўтказиш борилишини таъминласин;

“Ўзстандарт” агентлиги (Д.Н.Саттаров) билан бирга-

ликда Марказ ҳузурида доривор ўсимликлар хомашёси ва улардан олинган маҳсулотларни сертифицирлаш ва стандартлаштириш лабораториясини ташкил этиш, уни белгиланган тартибда жаҳон стандартларига жавоб берадиган аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили **1 декабр**га қадар келгуси йилда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлашни таъминласин.

8. Қўйидагиларнинг: Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Нукус, Хўжайли, Қорақўл, Бахмал, Зомин, Китоб, Узун, Бойсун, Бурчмулла, Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиқларини доривор ўсимликларни етиштиришга, Қуйи Чирчиқ ихтисослашган давлат ўрмон хўжалигини доривор ўсимликлар уруғ ва кўчатларини тайёрлашга ихтисослаштириш;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг тегишinchа Ғалларол, Когон ҳамда Ургут ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиқларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги **“Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази”** давлат муассасаси тузилмаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки: Марказнинг бюджетдан молиялаштириладиган 28 нафар бошқарув ходимларининг штат бирликлари Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади. Бунда Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Марказ таъминоти харажатларини молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида кўзда тутиш;

Марказ Давлат бюджети, Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, хизмат кўрсатиш ва ўзи етиштирган доривор ўсимликларни сотишдан тушадиган ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказда республикада илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим

маошига қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилади. Бунда қўшимча ҳақ белгиланиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов) Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан биргаликда **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:**

республика олий таълим муассасалари биология йўналишларининг 3 ва 4-курслари таҳсил олаётган иқтидорли талабалар таркибидан алоҳида гуруҳларда **чукрулаштирилган ўқитиш амалиётини йўлга қўйсин;**

кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, барча қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллеж ва техникумларда мутахассисликлар классификациясини инобатга олган ҳолда **“Доривор ўсимликлар етиштириш агротехнологияси”** йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

11. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров) **икки ой муддатда:**

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказининг илмий салоҳиятини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Марказ Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дарҳон кўрғони, Чимкент йўли кўчаси, 2-уйда жойлашган Ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг фойдаланилмасдан турган биносига жойлаштирилсин.

13. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ганиев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 ноябрь



“Кўқон” ЭИЗда 24 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди

(Боши 1-саҳифада)

— Худуд инфратузилмаси ривожланаётган бўлиб, бу ерда бизнес юритиш учун барча шароитлари яратиб бериш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди, — дейди “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори Фаруҳ Раҳмонов. — Электр, табиий газ, сув таъминотида ҳеч қандай муаммо йўқ. Мураккаб шароитга қарамадан шу кунларда яна 5 та лойиҳа ишга туширилди. Шунингдек, бўш турган майдонларда янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ишлари ҳам олиб борилмақда.

“AKM Inter com”, “Andelar”, “Grand art class”, “Kokand future shoes” каби масъулияти чекланган жамияти яқинда фойдаланишга топширилиб, дастлабки маҳсулотларни харидорларга етказди. Хусусан, “Imkon plus” масъулияти чекланган жамияти ўтган йилда ишга туширилган бўлиб, сифатли ва рақобатбардор маҳсулотларига бугун талаб катта. Бу ерда Хитой, Туркия ва Жанубий Корея технологиялари асосида қурилиш материаллари-ПВХ панеллари, плитуслар каби ўндан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

— Лойиҳамизнинг умумий қиймати 3 миллион 250 минг долларни ташкил этади, — дейди жамият раҳбари Мирқомил Исҳоқов. — Яқинда полипропилендан пластикат ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва 40 нафар ёшларни ишга қабул қилди. Албатта, лойиҳаларимиз бу билан тугамайди. ПВХдан гранулалар ишлаб чиқариш бўйича ишларни бошладик. Ҳозирда маҳсулотларимиз Қозоғистон, Арманистон, Грузия, Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

Эркин иқтисодий зонадаги “Евро принт” масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган мева қўритиш ва қадоклаш тармоғининг фаолиятини бошлаганга ҳали кўп бўлмади. Шунга қарамадан, ишлаб чиқаришни тобора кенгайтириб бораёти. Сарҳил меваларимизга жаҳон бозорига талаб юқори. Ана шулар ҳисобга олиниб, мева-сабзавотлар қўритилиб, бежирим қадокланяпти. Бу ерда 60 нафар ёшлар меҳнат қилинмоқда. Ҳозирда Россия ва Қозоғистон билан шартнома тузилиб, маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди.

“Илчи зив барака” масъулияти чекланган жамияти томонидан сунъий ип ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, бир миллион долларга яқин инвестиция киритилди. “Velomax” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган лойиҳа учун 1 миллион доллар маблаг сарф этилган бўлиб, болалар ва катталар учун велосипедлар ишлаб чиқарилади.

Муҳтасар айтганда, эркин иқтисодий ҳудудда ана шундай янги лойиҳаларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши иқтисодий тизимнинг барқарорлигини ошириш, импортни қисқартириш, экспортни кўпайтириш, қолаверса, кўплаб янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Сессияда қандай масалалар муҳокама этилди?

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур янгидан ташкил этилган кичик бизнес субъектлари ҳисобидан бюджетга жами 930 миллион сўмдан ортиқ миқдорда тушум туширилиб, қўшимча 824 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йил якунига қадар яна қўшимча 80 га яқин янги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб олинган.

Сессияда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг Навоий шаҳридаги ижроси ҳам депутатлар муҳокамасида бўлди.

Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Жонузқов 2020 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари

бўйича белгилаб берилган вазифалар ҳамда ҳудудий дастурлар асосида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг самарали ижро этилиши юзасидан мутасаддилар олдида турган долзарб вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Навоий шаҳрининг 2020 йил учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режаси — 25,8 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Ҳисоботда алоҳида таъкидландики, жорий йилнинг 3-чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режаси 18,3 миллион АҚШ долларини бўлиб, бу кўрсаткич 18,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди ҳамда 101,6 фоизга бажарилди.

Жорий йилнинг 4-чорагида эса 26,2 миллион АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2020 йил 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва

ёшларнинг ролин ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳудудларда “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижроси ҳамда бу борада масъуллар томонидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, сессия ишида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши, унинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишларнинг натижадорлиги, Навоий шаҳрининг маъмурий-ҳудудий чегараларини белгилаш, Навоий шаҳридаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудига ўзгариш киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам

муҳокама этилди. “Навоий шаҳрида тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича олиб бориладиган ишлар натижадорлиги тўғрисида”ги масала юзасидан шаҳарнинг тўртта сектор раҳбари депутатлар олдида муҳокама берди.

Шунингдек, сессияда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, кун тартибидан барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Оттабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

68 ТА ДАВЛАТ АКТИВИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИ

Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан олиб бориладиган ишларга бағишланган пресс-тур ўтказилди.

Таъкидланишича, мазкур фармон асосида вилоятдаги 128 та давлат иштирокидаги корхона ва кўчмас мулк объектларини ислоҳ қилиш белгиланган. Яъни 60 та корхонада муайян ислохотлар амалга оширилиб, самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш чоралари кўрилади, 68 та давлат активлари хусусийлаштирилади. Сотилиши белгиланган давлат активларидан 33 таси акция ва улушлар, 35 таси кўчмас мулк

объектларини ташкил қилади. Фаолият йўналишлари ҳамда аҳамиятлик даражаси инобатга олинган ҳолда 25 та давлат активларини индивидуал ёндашув асосида хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш белгиланган. Айни пайтда барча корхоналар ва кўчмас мулк объектлари бўйича ишлар бошланган ва тасдиқланган чора-тадбирлар дастури асосида амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда вилоятимизда фармон ижросини таъминлаш жараёнида корхоналарга кўмак бериш учун Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси


биносида корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Абдувоҳид Янгибоев. — Мазкур клиника ягона давра тамойили асосида ташкил этилиб, у ерда Бош вазир қабулхонаси, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва бошқа мутасадди идоралардан мутахассислар жалб қилинган. Корхоналарни молиявий соғломлаштириш учун маслаҳат хизмати жорий этилган. Ҳозиргача 60 дан ортиқ тадбиркор муаммоли

масалалар юзасидан муурожаат қилди ва муурожаатларнинг 40 дан ортиғи ижобий ҳал этилди. Пресс-тур қатнашчилари мутахассислар иштирокида Самарқанд шаҳридаги “Афросиёб-Палас” меҳмонхона мажмуаси билан танишди. 280 ўринга мўлжалланган мазкур давлат активи барча кредиткорлик қарздорликларини тўлаш шарти билан аукцион савдоларига қўйилмоқда.

— “Афросиёб Палас” меҳмонхона мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий баҳолаш стандарти асосида 27,4 миллиард сўм бошланғич нарҳда очик аукцион савдоларига чиқарилди, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси Салоҳиддин Жо-

нибеков. — Жорий йил 7 декабрда бўлиб ўтиш белгиланган савдода ушбу меҳмонхонани 4 юлдузли халқаро стандартларга етказиш, 2022 йил 1 январгача 100 та янги иш ўрни яратиш ва олий мартабали меҳмонларга мўлжалланган камида 1 та хона ташкил қилиш сингари қўшимча мажбуриятлар билан сотиб олиш мумкин. Шунингдек, меҳмонхонани реконструкция қилишда Маданият вазирлиги ва ЮНЕСКО билан келишиш лозим. Фармон билан харидорга маблагни 3 йил давомида бўлиб тўлаш ва қиритган улушга мос равишда дивиденд олиш имтиёзи берилди. Пресс-тур давомида соҳа вакиллари журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.



Самарқанд вилояти

МУТУХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

Айни дамларда мамлакатимизда кузги шудгорлаш қизгин паллага кирган. Пахта-тўқимачилик кластерлари мутахассислари, фермерлар ва механизаторлар бу тадбирни сифатли бажариш ва қисқа муддатларда якунлаш учун бор имкониятлари ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Шудгорни сифатли якунлайлик

Зеро, ўз вақтида, чуқур ва сифатли ўтказилган шудгор келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади. Сифатли ва чуқур шудгорланган майдонларда шўр ювиш, яхоб суви бериш, эрта баҳорда тупроқни экишга тайёрлаш ҳамда экиш каби агротехник тадбирларни самарали ўтказишга эришилади. Натижада экилган уруғлар қийғос ундириб олинади ва ниҳоллар барвж ривожланиб, кўп ҳосил тўплайди ва барвақт пишиб етилади.



Шу боис “Ўзагроинспекция” худудий бўлиmlлари инспекторлари шудгор сифатини қаттиқ назорат қилишлари ва тадбир якунлангандан кейин далаларни далопатнома асосида қабул қилиб олишлари керак.

Маълумки, ҳайдов агрегатининг иш сифатини белгилловчи агротехник талаблар орасида ҳайдаш чуқурлиги ва унинг бир текисда бўлиши ҳамда бегона ўтлар, уларнинг уруғи ва илдиэларининг кўмилиш чуқурлиги муҳим ҳисобланади. Чуқурлик қиймати эгит ўлчагич ёки оддий чизғич билан аниқланади. Бунинг учун плугнинг охири корпуси қолдирган эгит чуқурлиги ҳар бир даланинг 25 жойидан ўлчанади. Кейин ҳамма ўлчов кўрсаткичлари қўшилиб, ўртача кўрсаткич аниқланади. Сифатли ҳайдалган ерларда ҳайдаш чуқурлиги агроном ёки кластер мутахассиси томонидан ўрнатилган кўрсаткичдан ±2 см. фарқ қилиши мумкин, холос. Бегона ўтларни кўмилиш чуқурлиги ҳам даланинг 25 жойидан ҳайдалган ерни қовлаб ва шудгор юзасидан бегона ўт ётган жойгача бўлган масофа ўлаб аниқланади. Ўртача кўрсаткич икки ярусли плугларда 20 см.дан, умумий ишларга мўлжалланган плугларда эса 10 см.дан кам бўлмаслиги керак.

Шудгорлашда катта кесаклар кўчмаслиги, ҳосил бўлган нотекисликларнинг ўртача баланглиги 5 см.дан ошмаслиги лозим. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ерни узоқ йиллар мобайнида бир хил чуқурликда ҳайдаш ва тракторлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналари гилдираклари остида топталиши тупроқнинг ҳайдов ости қатламининг зичланиб кетишига олиб келади. Бу ўсимликлар ҳаво ва озуқа режимининг бузилиши ҳамда ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун барча далалар 2-3 йилда бир марта чуқур юшатилиб турилиши даржор. Бунда ГРП-3/5, ГНУ-1МС ва хўжаликларда мавжуд бўлган бошқа русумдаги чуқур юшатикичлардан фойдаланилади.

Мақсуд сифат кўрсаткичларини таъминлаш учун ҳайдовни ташкил этиш ва плугни сошлаш қоидаларига оғишмай амал қилиш зарур. Ерларни одатдаги, яъни палахсаларни бир томонга ағдарадиган (ПД-4-45, ПНЯ-3+1-45, МР-2/3-45) плуглар билан ҳайдашдан олдин дала кенглиги 40-50 метрли тахталарга бўлинади ва ҳар қайси тахтада агрегатнинг иш йўли белгилаб чиқилади.

Тахталар ичкарига ёки ташкарига ағдариб ҳайдалиши мумкин.

Ичкарига ағдариб ҳайдашда шудгорлаш тахтанинг ўртасидан бошланиб, даланинг охирига етганда плуг ўнг томонга бурилади ва тупроқ биринчи ҳайдалган томонга ағдарилади. Тахтанинг ўртасида марза (пушта) ҳосил бўлади. Кейинги ҳайдашлар шу йўсинда давом эттирилади, тупроқ ҳамма вақт пушта томонга ағдарилади.

Ташкарига ағдариб ҳайдашда плуг тахтанинг ўнг чеккасидан бошлаб, охирига етганда чапга айланади ва тахтанинг чап чеккасини ҳайдашни давом эттиради. Шу тариқа агрегат тахта ўртасига юшатилиб турилиши даржор.

Ерлар LD-100 “Квернеленд” каби айланма плуглар билан ҳайдалганда дала тахталарга бўлинмайди, чунки уларнинг корпуслари ўнгга ва чапга ағдарадиган бўлганлиги учун дала бир чеккадан ҳайдалади. Шу сабабдан шудгор юзасида марза ва эгит каби нотекисликлар ҳосил бўлмайди.

Иш жараёнида плугнинг рамаси бўйлама ва кўндаланг йўналишлар бўйича дала юзасига параллел бўлиши лозим. Акс ҳолда плугнинг корпуслари тупроққа нотекис ботади ва ҳайдов юзаси нотекис бўлади.

Агар плуглар рамаси бўйлама йўналиш бўйича олдинга отан бўл-

са трактор осии қурилмасининг марказий тортиқиси узайтирилади, акс ҳолда – қисқартирилади. Раманинг кўндаланг йўналиш бўйича оғиши трактор осии қурилмасининг пастки тортиқилари кашакларини қисқартириш ёки узайтириш йўли билан соланади.

Кузги шудгорлашда икки ярусли плугларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг бошқа плуглардан асосий фарқи шундаки, биринчидан улар қамраш кенглиги бир хил бўлган юқориги ва пастки ярус корпуслари билан жиҳозланган, иккинчидан эса юқориги ярус корпуслари томонидан ишлов берилётган тупроқ палахсалари пастки ярус корпуслари томонидан ҳосил қилинган эгитлар тубига тўлиқ ағдарилади, пастки корпуслар томонидан ишлов берилётган тупроқ палахсалари эса юқориги ярус корпуслари томонидан ағдарилган тупроқ палахсалари устига ағдарилади. Натижада бегона ўтлар, уларнинг уруғлари ва илдиэларининг ҳамда ўсимлик қолдиқларини тўлиқ ва чуқур кўмилишига эришилади. Бу эса далаларни бегона ўт босишини 2-3 марта камайтиради.

Далаларни сифатли ва талаб даражасидаги чуқурликда шудгорлаш учун “Магнум 8940”, МХ-255,

PUMA, T7060, AXION 850 каби тракторлар ва ПД-4-45, ПНЯ-3+1-45, МР-2/3-45 икки ярусли ҳамда ЛД-100, DAM. P-4+1-16, DAM. МР-5+1-16, EUROPAL7, EUROPAL8 чимқирқарли плугларидан фойдаланиш лозим.

Плуглар билан ишлатиш учун тракторлар осии қурилмаларининг пастки тортиқилари горизонтал текисликда эркин юрадиган ҳолатта ўрнатилиши лозим.

Икки ярусли плугларда юқориги ярус корпуслари пастки ярус корпусларига нисбатан 45-55 см. олдинга ва 15-20 см.дала томонга жойлаштирилиши даржор.

Чимқирқарли плугларда чимқирқарлар асосий корпуслардан 25-30 см. олдинда туриши ва 10-12 см. ҳайдаш чуқурлигига ўрнатиш лозим.

Шудгорлашда ҳайдаш чуқурлигини тўри белгилаш ўта муҳим ҳисобланади. У тупроқ ва иқлим шароитига, тупроқнинг унумдорлигига, таркибига қараб табақалаштирилиши зарур. Ана шундангина турли хил тупроқ ва иқлим зоналарида шудгордан қутилган натижани олиш мумкин.

Унумдор оқ бўз тупроқли далаларда шудгор чуқурлиги 35-40 см, ўтлоқ тупроқли ерларда 30-35 см. бўлиши лозим.

Ҳайдов қатламининг остида тошлоқ ва қумлоқ қатламлар бўлган ерларда шудгорлаш чуқурлиги қум ёки шугал тупроқ юзасига чиқиб кетмаслигини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

Кўриб турибдики, кузги шудгор алоҳида маъсулият, кўнчим ва тажриба талаб этадиган агротадбирдир. Кластерлар муҳандислари, фермерлар, агрономлар, механикаторлар буни ҳисобга олишлари ва шудгорлаш мавсумини сифатли якунлашга эришмоқлари зарур.

т.ф.д. М.ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д. А.ТҲҲАҚЎЗИЕВ, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти олимлари.

Жиззах вилояти

МИРЗАЧЎЛДА СУВ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА 55 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Агротехника ва механизация бўлими инспекцияси Жиззах вилояти бошқармаси ва туман бўлиmlлари томонидан соҳада қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустақкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида мунтазам равишда ўрганиш, мониторинг, таҳлил ҳамда назорат тадбирлари олиб борилди.

Ўз навбатида қонунбузарларга тегишли чоралар қўрилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида инспекциянинг Мирзачўл тумани бўлими томонидан олиб борилган назорат тадбирларида жами 55 та қонунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилганлиги аниқланган. Шундан 10 та ҳолат бўйича маъмурий иш кўзга тутилди, 4 млн. 83 минг 900 сўм жарима қўйилган. 30 та ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар Маъмурий судга юборилиб, 15 тасига ёзма кўрсатмалар берилган. 24 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 11 млн. 462 минг 300 сўм молиявий жарималар қўйилди, тўлиқ ундирилиши таъминланган. Бундан ташқари, қонунбузилиш чораларини бартараф этиш учун сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиларига 146 та огоҳлантиришлар берилган.

Ўрганишлар натижасига кўра, 15 та фермер хўжалиқлари томонидан экинларни сугориш жараёнида 4,65 гектар майдон қўллатиб сугорилганлиги, 15 тасида 100 л/с сув коллектор дренаж тармоқларига оқизиб юборилганлиги аниқланган ҳамда 169,4 м³ сув шартнома тузмасдан сув олиш сингари камчиликларга йўл қўйилган. Инспекциянинг туман бўлими томонидан сувдан фойдаланиш қоидаларини бузган ва қонунбузилишларга йўл қўйган фермер хўжалиқларига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 74-моддаси 2-қисми билан тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, материаллар қўриб чиқиш учун туман Маъмурий судига тақдим қилинган.

Азиз НУРОВ,

“Ўзагроинспекция”нинг Мирзачўл тумани бўлими катта инспектори.

ЭЪЛОН

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчасидаги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида 2500 ўқувчи ўринли янги ўқув корпуси қурилиши” дебсиз ташкилотни танлаш юзасидан тендер эълон қилади.

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 92 125 665 251 сўм; ҚҚС сиз 80 109 274 131 сўм.

Объектни фойдаланишга топшириш муддати: 9 ой.

Объектнинг молиялаштириш манбаи: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан. Давоғар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20% дан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиши зарур. Шунингдек, мақсуд объектга ўтказиладиган тендер бўйича қўйилган талабларни буюртмачи томонидан www.xarid.uz махсус ахборот порталида 2020 йил 24 ноябрь кунин 7064310 Лот билан жойлаштирилган эълондан олишингиз мумкин.

КАДАСТР ХҲҲЖАТЛАРИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Андижон вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Бўстон (Бўз) тумани филиалининг маълумотномасига кўра, Маориф МФЙ ҳудудида жойлашган “Сайёра фаввораси” хусусий корхонасининг пахта толасини қайта ишлаш ва йиғириш цехининг бино ва иншоотлари 2018 йил 11 октябрь кунин 7/765 сонли тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, мақсуд бино ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор деб ҳисобланади.

“Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДК томонидан Тошкент ш. Ўшабода (Хамза) тумани, Биринчи кўчаи мажлисида жойлашган 9-савдо дўкони учун фуқаро Умарова Гулнорахон Ташгановна номига Берлиги № 4-119/2013 респир рақами кадастр ҳужжатлари ва Ер участкасига ОУ 553805 сонли ва Бино иншоотла Берлиги ТА 1750883 кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЭЪЛОНЛАР

“UNIVERSAL GIGANT GROUP” МҲЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Бахмал МТП Агросервис” МҲЖ бошқарувининг 2020 йил 25 ноябрдаги № 23-сонли хатига ва “Бахмал МТП Агросервис” МҲЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил 12 ноябрдаги № 1-сонли баённомасига асосан Бахмал тумани Оқтош ҚФЙ Бунёдкор маҳалласида жойлашган “Болалар бочаси” биноси, бошланғич баҳоси 98 720 000 (тўхсон саккис миллион етти юз йиғирма минг) сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил “29” декабрь кунин соат 10:00 да савдо ташкилотчиси “UNIVERSAL GIGANT GROUP” МҲЖ жойлашган манзил (Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласи, 1-уй)да бўлиб ўтади. E-mail: sher.turaev@gmail.com.

Аризаларни қабул қилиш манзили: (Жиззах шаҳар Заргарлик маҳалласи 1-уй)да қабул қилинади. Талабдорлардан аризалар мақсуд хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (12:00 дан 14:00 гача тушулик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири муддати: 2020 йил 28 декабрь кунин соат 16:00.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 29 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 14 январь, 29 январь ва 2021 йил 15 февраль кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишининг охири муддати: 2021 йил 14 январьдаги такрорий савдо учун 2021 йил 13 январь кунин соат 16:00; 29 январьдаги савдо учун 28 январь ва 2021 йил 15 февральдаги такрорий савдо учун 12 февраль кунин соат 16:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатат келишуви, закатат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунин ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотида шартномасини тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, бино бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пули ва “Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)” га асосан талабдорларга кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдоридан маблағлар савдо кунига қадар “UNIVERSAL GIGANT GROUP” МҲЖнинг “Ипотекабанк” АТБнинг Жиззах вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига тўлаб берилади. Тел: 226-22-52, 226-50-25. Лицензия: RR-0206.

Аукцион савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- КАФЕДРА МУДИРЛАРИ: 1. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 3. Тиллар кафедраси; 4. Ахборот технологиялари ва математика кафедраси.

- ПРОФЕССОРЛАР: 1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; 2. Ўсимлик-шунослик кафедраси (0,5); 3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси; 4. Агрохимия ва тупроқшунослик кафедраси (0,25); 5. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; 6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 7. Агробиотехнология кафедраси (0,5); 8. Балиқчилик кафедраси (0,25); 9. Ўрмончилик кафедраси; 10. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси (0,5); 11. Ахборот технологиялари ва математика кафедраси.

- ДОЦЕНТЛАР: 1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси (0,75); 2. Ўсимлик-шунослик кафедраси (0,5); 3. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция); 4. Агрохимия ва тупроқшунослик кафедраси; 5. Ўсимликларни химия қилиш кафедраси; 6. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; 7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 8. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси (ўзбек тили); 9. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси (экология); 11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 12. Балиқчилик кафедраси; 13. Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); 14. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси (Педагогика. Психология); 15. Ўрмончилик кафедраси; 16. Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа); 17. Гуманитар фанлар кафедраси (тарих); 18. Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; 19. Агробиотехнология кафедраси; 20. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси.

ТАНЛОВ УЧУН ҲҲҲЖАТЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КҲҲҲНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ ДАВОМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: Ректор номига ариза; сўровнома; таржимаи ҳол; тегишли олий маълумоти ҳақидаги диплом, илмий даража, илмий унвон; илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларни тасдиқловчи дипломлар, аттестатлар нусхалари; малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар нусхалари ва илмий ишлар рўйхати. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин, улар томонидан синов маърузалари (университет профессор-ўқитувчилари учун – очик машгулотлар) ўтказилади. Синов маърузалари ва очик машгулотлар мазууларини кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади. Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради. Ҳужжатлар куйидаги манзилга топширилади: 100164, Тошкент вилояти, Қиёра тумани, Салар шаҳарчаси, Уни-верситет кўчаси 2-уй. Тошкент давлат аграр университети бош биноси, 2-қават, Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгаши. Телефон: (71) 260-48-65.

Хоразм вилояти

Хоразм қадимдан Эшвэй бахши, Нуржон бахши, Оташ бахши, Сиёв бахши каби ном қозонган бахшилар юрти. Хоразм бахшичилиги мактаби ҳақида сўз кетганда албатта, Бола бахши (Қурбоназир Абдуллаев) номи ҳақида зикр этилади. Негаки бузунги вилоятда фоалият олиб бораётган бахшилар Бола бахши мактабининг давомчиларидир. Булар орасида Бола бахшининг фарзандлари, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норматов ва шулар қаторида қўшқўпирлик Каримбой бахши Отамуродов ҳам бор.

Бахшичи эл – бой эл

ТАЪЛИМ БЕРГАН
УСТОЗИНГДАН АЙРИЛМА

1969 йили Хоразмда қиш жуда қаттиқ келди. Шу йил Амударё ҳам музлаб қолиб Шоббозни (Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани) сув босган эди. Мактаблар тўхтаган. Одамлар зарурият бўлмаса уйдан чиқмас, ҳамма уйда эди. Ҳали у пайтлари ўзига тўқ бўлган айрим оилалардагина телевизор бор эди. Мактабга ўрганган болалар онасининг пинжига кириб ҳадеб эрта айтиб беринга тушишарди. Жумагўл опа ҳам бисотидаги бор эртақларни ўн мартабала айтиб берса ҳам болалари уни қайта эшитишдан чарчамасди. У орада халқ достонларини ҳам эртақ қилиб айтиб берарди. Ўйларидан айниқса Каримбойнинг эҳти қўлиб бўлиб онаси айтди берган "Гўрўғли" ҳақидаги достонни ёд олишга улгурган эди. Гоҳида онаси чарчаган кезлари Каримбой достонни уйдигиларга, баъзан тенгқурларига айтиб берарди.

Ишдан хориб-чарчаб келган отаси Бекчон ака чойга ўтирар экан:

– Қани Каримбой Гўрўғлидан бир хиргой қилиб беринг-чи деб ўлига юзланарди. Ўн бир йил Каримбой қўлига таёқни олиб достон куйлашга тушиб кетар. Бекчон ака ҳар замонда "Баракалло!" деб қўяр, шу билан отанинг бутун чарчогичи чиқиб кетарди.

– Онаси, шу боланг кўз тегмасин катта бўлса бахши бўлар деб кўярди гап орасида.

Ўша пайтлари фаршталар омин деб турганими ёки ота дуолари ижобат бўлибми Каримбой элда Карим бахши бўлиб танилди.

Урта мактабда ўқиб юрган пайтлариданок санъатга қизиқди. Ашула тўраганининг фаол аъзосига айланди. Мактабдаги тадбирларда ўзининг достон кўшиқларини айтиб тенгдошларини қўйил қолдирарди. Ўрта мактабни тугаллаган Тошкентдаги маданий оқартув техникумига ўқишга кириб санъатнинг сир-асрорларидан воқиф бўлди. Ўқишни тугатиб келган Қўшқўпир туманидаги "Юлдуз" ашула ва рақс ансамблига ишга кирди. Турли кўрик-танловларда, давлат тадбирларида, элнинг тўю томошаларида хизмат қилиб танилди. Аммо унга достонларни ўрганиш сира тинчлик бермасди. Бунинг учун эса устоз керак эди.

Каримбой Отамуродов Шовот туманида бахши Қаландар Норматов томонидан ташкил этилган "Авазхон" фольклор этнографик ансамблига ишга қиради. Унга Қаландар бахши устозлик қилади. Достонларнинг айтим йўлларини кўнгил билан ўргатади. У ерда "Ошиқ Махмуд", "Гўрўғли", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонларини тўлалигича ўрганди. Ансамбл соҳналаридан билан Ўрта Осиё бўйлаб гастролларда, турли кўрик-танловларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллашга эришди. Жумладан 1985-1987 йилларда Республика бахши шоирларнинг аънавий кўрик-танловидида фахрли, 1991 йилда эса иккинчи ўринга лойиқ топилди. 1992 йилда Испом шоир Назар ўғли таваллудининг 120 йиллигига бағишланган танловда, 1999 йилда "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган танловларда фаол қатнашди. 2009 йили бахши шоирларнинг аънавий кўрик-танловидида юқори ижро-чилик маҳоратини намойиш этиб биринчи ўринни эгаллади. Бундай жуда кўплаган кўрик-танловлар лаурияти голиби бўлганлиги ҳақидаги диплом ва ташаккурномалар Каримбой Отамуродовнинг бисотида анчагина.

БОЛА БАХШИ БИЛАН
ИЛК УЧРАШУВ

Каримбой бахши Отамуродов Бола бахши билан бўлган илк учрашувини шундай хотирлайди. 1985 йили Шовот туманида бахши шоирларнинг аънавий кўрик-танлови бўлиб ўтаётган эди ўшанда. Танловда Карим бахши ҳам иштирок этиб достон куйлади. Достонни тугатиб эндигина жойига ўтирган ҳам эдики Бола бахшининг ўғли Етмишбой келиб уни отаси қаҳраётганини айтади. Уни Бола бахши ҳузурига чорлаган эди. Шунда атрофда ўтирган созандалар "Достоннинг бирон жойини бузиб айтган ўхшайсан катта бахшидан дакки эшитадиган бўлдинг", деб юрагига гулгула солиб қўйишди. Карим бахши минг ҳадик билан Бола бахши ўтирган жойга бориб, устознинг қўлини олди.

– Нердансан ўғлим? – деди Бола бахши Каримбойга бошдан оёқ тикилиб Хоразм шевасида.

– Қўшқўпирдан, – дея қисқа жавоб қилди, Каримбой бахши.

– Қўшқўпирданлигини билдим. Хўш, қайси ўрамдансан?

– Оқдарбандданман бахши бува, – деди Каримбой ийманиб.

– Оқдарбандда дўстларим кўп. Фалончи, фалончи деб ўн нафардан зиёд одамларнинг номини айтиди. – Яхши, тузук, айтим йўлларинг ҳам, чертим йўлларинг ҳам жойида камол топ болам. Устозинг ким, сўради Бола бахши.

– Қаландар бахши, – деди у.

– Қаландар менинг шогирдим, сен бўлса шогирдимнинг шогирди экансан. Қаландар билан мен ёнга бир бор, – деб Бола бахши уни уйига таклиф қилди. Карим бахши Бола бахши ҳузуридан анча енгил бўлиб қайтди.

Шундан кейин Каримбой бахши Бола бахши Абдуллаев ёнига бориб унга шогирд тушди. Бола бахшидан халқ достонларни кўнгил билан ўрганди ва бахшининг энг кенжа шогирдлари қаторида жой олди.

Оқдарбанд қишлоғида бир пайтлари Хива хони томонидан воҳога кўчириб олиб келинган эронлик халқларнинг бугунги авлодлари истиқомат қилишади. Қишлоқ ахли қадимдан сақланиб келаётган урф-одатларини ҳали ҳанузгача унуттигани йўқ. Айниқса куй-қўшиқларини ҳали ҳануз ижро этишади. Каримбой Отамуродов бошчилигида қишлоқда "Жуфт қарсақ" ансамбли ташкил этилади. Ушбу ансамбл ҳозирда ҳам вилоятда ўтказилган турли тадбир ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Қишлоқда яқиндагина қад ростилаган қишлоқ маданият маркази ансамбл жамоасига муносиб туҳфа бўлди.

Каримбой Отамуродовнинг сайёҳ-ҳаракатлари билан қўшни Ших қишлоғида ҳам "Дўстлик" ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Бугунги кунда Каримбой бахши гарчи нафақада бўлсада шогирдлари ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Ҳа, айтмоқчи бир пайтлари ўзи Хоразмнинг машҳур бахшилари этагидан тутиб уларга шогирд тушган бўлса бугун унинг ўзи кўпларга устоз. Унинг шогирдлари вилоятнинг турли бурчақларидан келиб бахшичилиги сирларини ўрганмоқда. Усмонбек Абдуллаев, Улуғбек ва Умидбек Хўжаев, Тўйлибой Давлетов, Бобурбек Юсупов, Отахон Отажонов каби



шогирдларининг парвозидан Каримбой бахшининг кўнгли шод.

Энг кенжа шогирдлари Шоҳжаҳон Нурметов ва Алимур Самандаровалар устозидан халқ достонларини кўнгил билан ўрганишмоқда.

Узоқ узоқлардан, чексиз қум барханлари томондан соз саси келади. Бахши куйламоқда. Атрофда тумонат одам. Достон эшитишга келганлар бахши атрофида чордона куриб ўтириб олишган. Уртада саксовулдан гулхан ёқилган. Гулхан теварағида эса чой-гулларда чойлар қайнаётди. Карим бахши Гўрўғли достонини берилиб куйламоқда. Гўё тинловчилар хаёлида Гўрўғли шу кум барханлари орасидан Ғиротини миниб чиқиб келаётгандай. Қиш эмасми достон тинлашга келган қарияларнинг устларида пўстин. Ёш яланг йигитлар ҳам қалин кийимлар кийиб олишган.

Табиат кўйида соз-сухбат қилишнинг гаши бўлачса. Ушбу достон кечаси вилоятдаги 8-телеканал бюромасига асосан суратга олинди. Тадбирда фольклорчунос олим Сафарбой Рўзимбоев ҳам иштирок этиб даврани олиб борди. Каримбой Отамуродов салкам икки соатлар чамаси достон куйлади.

Бундан ташқари Каримбой бахши ижросидаги "Ошиқ Махмуд" достони Республика маданият ва маърифат телеканали, "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Базиргон" достони Республика ҳамда вилоят радиолари фонатекасида сақланмоқда. Бугунгача унинг репертуарида 6 та тўлиқ достон, ўндан ортқ термалар бор. Каримбой Отамуродов ҳамон изланишда ўқиб ўрганишда. Янгидан янги достонлар устида иш олиб бормоқда.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

"Uzbekistan Investor Day"
халқаро инвестицион анжуманида
ИШТИРОК ЭТДИ

Яқинда онлайн тарзда "Uzbekistan Investor Day" халқаро инвестицион анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан Wood&Co Халқаро инвестиция банки билан ҳамкорликда ўтказилди.

Конференцияда глобал ривожланаётган халқаро фонд вакиллари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШ бошқарувчи компаниялари иштирок этди. Ўзбекистон номидан давлат ва хусусий компаниялар ҳамда банклар, шу жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳам иштирок этди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Dunross & Co, Prince Street Capital Management (Weeden), ERLS Consult, Raffles Associates LP ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Унда иштирокчилар банкнинг ҳисобот давридаги молиявий кўрсаткичлари, ХМК ва ЕТТБ экспертлари билан ҳамкорликда банкни трансформация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, банк корпоратив бошқаруви тизимининг самардорлиги ва жозибдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар, коронавирус пандемияси салбий оқибатларининг иқтисодий таъсирини юмшатиш ва молиявий барқарорлигини сақлаш бўйича давлат ва банк даражасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар билан танишди.

Маълумот учун: Wood & Co. – Марказий ва Шарқий Европадаги етакчи инвестицион компания. 1991 йилда ташкил этилган ва Прага шаҳрида ўз қароргоҳига эга компания Марказий ва Шарқий Европада акциялар савдоси борасида илгор муассаса бўлиб, минтақада энг муҳим инвестицион банк амалиётлари бажаради.

Банк Ахборот хизмати.

КИНОСАНОАТ

Ўзбекистонда ҳиндлар
томонидан "Бобур" сериали
суратга олинади

"Ўзбекино" Миллий агентлигида Ҳиндистоннинг "WINGSPAN group" компанияси томонидан "Бобур" сериалини Ўзбекистонда суратга олиш бўйича агентлик билан меморандум имзоланди.



Эндиликда ҳинд киноижодкорлари томонидан Ўзбекистоннинг Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хива ҳудудларида суратга олиш ишлари бўлиб ўтади. "WINGSPAN group" компанияси вакиллари Тасним Удайпурвала, Нераж Рати ҳамда Агентлик Бош директори Фирдавс Абдухолиқов уртасида меморандум имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 13 августдаги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 сентябрдаги 568-сон қарорига мувофиқ, ҳинд киноижодкорлари учун "rebate" тизими жорий этилади.

"Бобур" сериалида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг болалик ва ўсмирлик даври, Бобурнинг Афғонистондаги ҳукмронлиги, ҳиндлар томон юриши, Бобурийлар сулоласига асос солиши, адабиёт оламида тугган ўрни ва ҳинд диёрида амалга оширган ислохотлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур сериал шоҳ ва шоир, жамоат арбоби Бобур шахсини дунёга танитишда, шунингдек, сериалнинг мамлакатимиз ҳудудида суратга олиниши Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кўтаришда, халқлараро маданий алоқалар, дўстлик муносабатларининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади.

Сериалнинг мамлакатимизда тасвирга олиш ишлари жорий йилнинг декабрь ойидан бошланиши режалаштирилган.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги Ахборот хизмати.

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек туманидаги 18-сонли мактаб томонидан 2020 йилда Латипова Ясминахон Ботирова номига берилган UM № 0708631 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли Бекор қилинади.

"ЕКО-YASMINA" М-ФК (СТИР 203 348 824) жамият устав фонди 590 997 499 сўм 09 тийиндан 415 390 886 сўм 48 тийинга камайтирилатганини маълум қилади. Талаблар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, М.Ашрафий кўчаси, 103А-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.


РЕКЛАМА

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Qishloq
hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва
идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шўхрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммадjon
ТОШБОЛТАЕВ,
Актама ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Махмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1125, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
1 970 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6

Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00